

“АНТИГРИПИН-НЕО” ТАБЛЕТКАЛАРИНИНГ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ПРЕССЛАНУВЧИ МАССАЛАРНИ ТЕХНОЛОГИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Д.Т. Эльмуродов, О.М.Эрназаров, Х.К Жалилов

Тошкент фармацевтика институти,

Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: шартли равишда “Антигрипин-Нео” деб номланган мажмуавий таблетка дори тури технологиясини тўғридан-тўғри пресслаш усулида тайёрлаш имкониятларини ўрганиш.

Усуллар: илмий адабиётларда келтирилган усуллардан, шунингдек ХI ДФда келтирилган усуллардан фойдаланиб тажрибалар олиб борилди.

Натижалар: таркибида парацетамол, ацетилсалицил кислота, аскорбин кислота, кофеин, дибазол ва фенпиверин бромид сақловчи таблеткаларни тайёрлашда тўғридан-тўғри пресслаш усули имкониятлари ўрганилди. Бунда тайёрланган субстанциялар аралашмаси салбий технологик хоссаларга: сочилувчанлик, сочилма зичлик каби кўрсаткичларини меъёридан анча кичик бўлиши, шунингдек эркин тўкилиш бурчаги, ғоваклик, зичланиш коэффиценти каби кўрсаткичлари меъёридан анча юқори бўлиши аниқланди. Шу сабабли кейинги тадқиқотларда “Антигрипин-Нео” таблеткаларини ёрдамчи моддалар қўшиб тўғридан-тўғри пресслаш усулида тайёрланди. Ёрдамчи моддалар сифатида тўлдирувчи, ғоваклаштирувчи, сирпантирувчи каби моддалар қўлланилиб, бир қанча таркиблар ўрганилди. ХI - ДФда келтирилган усулдан фойдаланиб, сараланиш таркиби аниқланганда -1000+500мкмли, -200+160мкмли фракциялар оралиғида ўзаро яқин гранулометрик таркибни намоён қилмади. Аралашманинг сараланиш кўрсаткичи элаклар тўпламига нисбатан тенг тақсимланмади, бу эса аралашма конгломерат ҳосил қилиб катта ўлчамли элакларда юқори фоизни ташкил қилди. Тўғридан-тўғри прессланадиган массаларнинг сочилувчанлиги $1,4-2,4 \cdot 10^3 \text{ кг/с}$, эркин тўкилиш бурчаги 44-53 градусни, сочилма зичлиги $278-416 \text{ кг/м}^3$ ни, қолдиқ намлик эса 2,9-5,1 %, прессланувчанлик эса 22- 30 Н оралиғида эканлиги тажрибалар асосида исботланди. Тўғридан-тўғри прессланадиган массанинг баъзи технологик хоссалари ижобий хусусиятларини намоён этсада, бошқа технологик натижалар салбий натижаларни кўрсатди.

Хулосалар: “Антигрипин-Нео” таблеткасини ёрдамчи моддалар кўшиб тўғридан-тўғри пресслаш усулида олиш мақсадида турли таркиблар бўйича тайёрланган прессланувчи массаларнинг технологик хоссалари ўрганилди. Ўрганилган таркиблар бўйича тайёрланган прессланувчи массаларнинг технологик хоссалари, ижобий натижаларни бермади. “Антигрипин-Нео” таблеткалари технологиясини нам донаторлаш усулида олиш заруриятини кўрсатди.